

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

63 Ўзбекистон Республикасининг «Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотларини сертификатлаш» авиация қоидалари (ЎзР АҚ-145ТХК)ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
28 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1918-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 354-сон «Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ташкилотига сертификат бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 2-сон, 16-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 2 февралдаги 8-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотларини сертификатлаш» авиация қоидалари (ЎзР АҚ-145ТХК)ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1918, 2009 йил 7 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 10-11-сон, 125-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бошлиқ

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 23 январь,
38-Н-сон